

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ**

**“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР  
ТАРМОҚЛАРИ  
КОРХОНАСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА  
БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕМӨЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ  
№ 480252**

---

---

---

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

**Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун  
ШАРТНОМА UV30308362**

2022 йил “17” январь

480252-сон

Уйчи туман  
(шартнома тузилган манзил)

“Наманган ҲЭТК” акциядорлик жамияти “ишиончнома” асосида фаолият юритувчи  
раҳбари А.Мирзаев (кейинги)  
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи  
Уйчи туман Ободонлаштириш бошқармаси

(“Истеъмолчи”нинг номи)

Раҳбари Ахадулла Раҳматулла Асадулла ўғли (кейинги ўринларда  
(“Истеъмолчи” раҳбарининг Ф.И.Ш.)

“Истеъмолчи”деб аталади), хисоб рақами - иккинчи  
томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - **энергия** деб аталади) уланган тармок орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергияни хисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 6666 кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 2999700 сўмни, тариф(лар) бўйича (Икки миллион тўхсон тўққиз минг етти юз) сўм.

тариф турли: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг руҳхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсан)

ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аникланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташкил). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

### III. Хисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сонли қарорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади. UV30308362

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари ўюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) Энергия учун хисоб-китобларни сутка вактларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар: ярим тифиз пайт – сутканинг ёруғ вактида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсуви чоғириклини кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вактида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаючи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиган. Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли хил тариф гурухларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти манбаидан электр билан таъминланганда, хисобга олиш приборлари хар бир тариф гурухи учун алоҳида ўрнатилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юкори тариф гурухи бўйича хисоб китоб килинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.5. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг З-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки поча алоқаси орқали хар ойнинг “1” санасигача Корхонага ва Бюргага тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташкари тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алохида кўрсатилиши шарт.

UV30308362

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида колади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва Корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.8. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Бюорога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл кўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармокларидан тўлиқ узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

3.9. Истеъмолчи уланган қувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсуви коэффициентга мувофиқ тўлайди. (*Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради*)

3.10. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисбот асосида белгиланган тартибида ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш куни ичida тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган холда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини электрон ҳисобварак-фактура шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган холда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган холда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича масъуллик чегараси далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади. UV30308362

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.12. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варагини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги кўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзид олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибида амалга оширади.

3.13. Истеъмолчининг энергия ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олиннади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловларнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдоридан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ иsteъmol қилинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.15. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.16. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;  
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

электр тармокларига ноқонуний уланиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Энергияни ҳисобга олиш приборларини қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташкаридан аралашилганда. UV30308362

3.17. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун хужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича Энергиянинг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишиға рухсат этилмайди.

3.20. Энергия учун тўлов тарифлари куйидаги ҳолатларда майший (ахоли) истеъмолчилари учун белгиланган тарифга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сонли қонунига мувофиқ “Оилавий корхона туар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат килган холда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, Истеъмолчи Энергия учун майший (ахоли) тарифи бўйича тўловни амалга ошириди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августрдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли карорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф сонли Фармойишига кўра худуддаги диний ташкилотлар Энергия учун майший (ахоли) тарифи бўйича ҳақ тўлайдилар.

3.21. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори куйидаги текширувлардан ўтказилади:

а) даврий қиёслаш-ушбу турдаги ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиғи муддати тугаганда;

б) навбатдан ташкари қиёслаш –ҳисобга олиш приборига зарар етказилганда, пломбаси бузилганда, қайта дастурлаш зарурияти юзага келганда;

в) эксперт қиёслаш-ҳисобга олиш приборининг созлиги, унинг фойдаланишга яроклилиги, шунингдек, метрологик хусусиятларининг норматив хужжатлари талабларига мослиги бўйича низоли масалалар юзага келганда.

3.22. Энергияни ҳисобга олиш приборларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августрдаги 698-сонли қарори талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслаш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи ҳисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи тўрт йилни ташкил этади.

3.23. Навбатдан ташкари ва эксперт қиёслашлар Бюро ташаббуси билан ёки бошқа ваколатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматларини Бюро Корхона томонидан тўланади.

#### IV. Томонларнинг хукуқ ва мужбуриятлари

4.1. Истеъмолчи куйидаги хукукларга эга:

ўз электр курилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ, ўрнатилган тартибда улаш; UV30308362

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш; электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиласидан энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) Корхона ва Бюорога тақдим этиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансадор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.2. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳак тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Бюро ва “Ўзэнергоинспекцияси” кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнода янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишка, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиши, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан қўйидаги маълумотларни тақдим этишига мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дакикадаги сарфи. UV30308362

Бундан ташқари, уланган куввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар қуидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқишумумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш кобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруритини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва Энергия сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва Энергияни тежашни ҳисобга олган холда) Энергиянинг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот -(ишлар) бирлигига Энергия сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.3. Корхона қуидаги ҳукукларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Иsteъmolчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор килган холда, Иsteъmolчини электр тармоғидан узиб кўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНҲАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳак тўлаш курилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона конунчиликка мувофик бошка ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Иsteъmolчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона қуидагиларга мажбур:

Иsteъmolчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Иsteъmolчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш; UV30308362

электр энергияси түлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар түғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиши;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиши, электр энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу хакда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар килиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофик бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона томонидан сабабсиз хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда Истеъмолчига кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниң умумий суммаси сабабсиз кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Истеъмолчи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақкани ўз вақтида тўламаганлик учун Корхонага ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0.4 фоиз микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.3. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбай автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчишлар ҳисобига содир бўлиб, энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) оркали электр энергияси етказиб беришдаги узилишлар түғрисида хабар ва эълонлар берилганда.

5.4. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган табиий оғатлар ҳамда фавқулотда авария холатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.5. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

## VI. Якуний қоидалар UV30308362

6.1. Шартнома 2022 йил 31 Декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди, ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

6.3. Томонлардан бирининг ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгаририш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Шартнома лойиҳаси талабларида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекситон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январда 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ҳамда Бошқа амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

## VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**Истеъмолчи:** Уйчи ободонлаштириш бошқармаси

Юридик манзили Уйчи туман Беруний кўчаси 1-уй

Почта манзили

Ҳисоб рақами 100022860142297065200110001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН)200098442

Истеъмолчининг юридик манзили бўйича Кадастр раками

Махалла номи Беруний кўча 1- уй

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун

Бюджет фондининг ҳисоб раками 23402000300100001010

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 201122919

**Телефонлар:** 48-21-633, 48-21 864

(“Истеъмолчи” телефон ракамларин, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони кўрсатилади)

**Статистик кодлар:**

UV30308362

ОКЭД \_\_\_\_\_  
СООГУ\_0006\_\_\_\_\_  
СОАТО\_1714229\_\_\_\_\_  
КФС \_\_\_\_\_  
КОПФ \_\_\_\_\_  
ОКПО \_\_\_\_\_

**Корхона: "Наманган ҲЭТК" АЖ**

**Уйчи туман электр таминоти корхонаси**

Ҳисоб раками 2263 6000 5005 100 58374 -

Банк коди (МФО) 00224 (ИНН) 200048685

Телефонлар: 69-48-21-755      *Факс:* \_\_\_\_\_

**Статистик кодлар:**

СООГУ 01013

СОАТО 1714229

**Корхона вакили**

**"Наманган ҲЭТК" АЖ**

**Уйчи туман электр таминоти корхонаси**

А. Мирзаев

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

М.У.

Мазкур электр таъминоти шартномаси \_\_\_\_\_ юрисконсульт \_\_\_\_\_  
*ЭТК номи* \_\_\_\_\_ *Ф.И.О.* \_\_\_\_\_

Ўзбекитон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли карори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари" талабларига мувофиқ тузилган. Шартнома мазмуну (шарти, томонлар жавобгарлигининг меъёри ва низоларни ҳал килиш тартиби) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида" ги конун талабларига мос келади.

Юрисконсульт:

(имзоси)

электр таъминоти  
шартномасига 1 - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми UV30308362

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_
2. Фаолият тури \_\_\_\_\_
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА(кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) \_\_\_\_\_
6. Ҳисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг руйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи вағайрим хизматлар кўрсатувчи ҳамда Ўз.РВМнинг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарори бўйича фаолият юритадиган истеъмолчилар (керақлиги ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
Йил, жами	2999700	6666			
Январ	999900	2222			
Феврал	999900	2222			
Март	999900	2222			
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 7 соат, ойга 25-26 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I \_ 0 \_, II \_ 0 \_, III \_ 0 \_

Корхона вакили  
"Наманган ХЭТК" АЖ  
Уйчи туман электр таъминоти корхонаси  
А.Мирзаев \_\_\_\_\_  
(Имзо, Ф.И.Ш., сана)  
М.У.

Истеъмолчи  
Уйчи туман Ободонлаштириши  
бошқармаси  
А.Рахматулла \_\_\_\_\_  
(Имзо, Ф.И.Ш., сана)  
М.У.

UV30308362  
электр таъминоти  
шартномасига 2 - илова

**Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари**

“Истемолчи”нинг (суб“Истемолчи”нин г) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма копқоғидаги пломбанинг рақами	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти	Хи со б- ки тоб коэ ффи ци иц и е н т и	Хисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткичла ри	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
					Корхона- нинг	Бюро- нинг	Ток

**Имзолар:**

**Истемолчи:**



А.Рахматулла

М.Ү.

(Имзо)

**Корхона:**

А.Мирзаев

М.У.

(Имзо)



**Бюро:**

Ф. И. Ш.

## Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича ХИСОБОТ

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи бүйича

Күрсаткичлар кайд этилган сана «\_\_» \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йил.

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табакалаштирилган хисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13  
гр 8 = гр 7\*гр 4

## Истеъмолчи рахбари

ФИ.Ш.



## Бош энергетик

Ф. И. Ш.



## Корхона вакили

UYCHI

ФИИ

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

1. “Истеъмолчи”нинг балансида куйидаги электр курилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари \_\_\_\_\_

б) кабель линиялари \_\_\_\_\_

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари \_\_\_\_\_

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича

mansublik чегараси \_\_\_\_\_

3. Улардан куйидагиларга:

а) \_\_\_\_\_

хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) \_\_\_\_\_

Истеъмолчи билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди: \_\_\_\_\_

Вакиллар:



(Ф.И.Ш.)

А.Мирзаев  
(Ф.И.Ш.)

М.Ў.

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва қуидагиларга хисобланади:

а) Куввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни йўқотиши:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган майший истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш приборларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб килиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига каратилади

**Имзолар:**

Истеъмолчи:

М.Ў. (Имзо)

Корхона:

М.Ў. (Имзо)



### Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

#### 1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўринатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

*ИЗОҲ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш ваҳтларини тўлдириши шарт эмас.*

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган кувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига кувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан кўллаб-кувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида “Ўзэнергоинспекцияси”нинг тасдиклови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдорида белгиланади.

Истеъмолчи:



M.Y.

Корхона:



M.Ў.

**Авариявий ва технологик бронни аниклаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг \_\_\_\_\_  
иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот шилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаши, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа баҳтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт  
II босқич \_\_\_\_\_ кВт  
III босқич \_\_\_\_\_ кВт  
IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситии тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

